

ШАРТНОМА

Фарғона шаҳри

09 - сонли

“5” 01 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамоллов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади), бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ш.Ю.Бузруков (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1. “Ижрочи” Миллий гвардия қўриқлаш хизмати техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2.1. “Буюртмачи” Олтиариқ тумани марказида жойлашган Олтиариқ тумани Марказий шифохонаси ички дорихонасини тунги вақтларда ҳар куни соат 22:00 дан 06:00 гача 8 (саккиз) соат ижрочига топширади. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Олтиариқ тумани Қўриқлаш бўлими Техник қўриқлаш марказига қўриқлаш учун қабул қилади ва 5 та шартли белгига хизмат кўрсатади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг қўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида “Ижрочи” инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова қилинади.

2.4. Қўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларида асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, қўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган қўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар “Буюртмачи” учун мажбурий ҳисобланади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи 1 ойда 1 667 943 (Бир миллион олти юз олти миш етти минг тўққиз юз қириқ уч сўм) ни ташкил қилади, 1 йилда 20 015 216 (Йигирма Миллион ўн беш минг уч юз ўн олти сўм) ўрнатилган тариф асосида қўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб кўрсатилади. Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гвардия Қўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% миқдоридagi пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. “Ижрочи” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юқори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.4. “Ижрочи”нинг қўшимча хизматлари учун “Ижрочи” томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи” томонидан 10 кун муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланади.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва ҳуқуқлари:

- 4.1.1. Объектни ТҚМга улаш учун кўриқлашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.
- 4.1.2. Кўриқлашга топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.
- 4.1.3. “Ижрочи” вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.
- 4.1.4. Объектни кўриқлашга топшириш ва қабул қилиш, калитларни сақлаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.
- 4.1.5. Объектнинг калити йўқолиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан “Ижрочи”га хабар беради.
- 4.1.6. Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда пулт рақамларини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошкор қилмайди.
- 4.1.7. Кўриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилади. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирмайди. “Ижрочи” юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор қилади.
- 4.1.8. Объектни кўриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилади. Уларни доимий равишда соз ҳолда сақланишини таъминлайди.
- 4.1.9. ҚЕОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига бир мартаба “Ташвиш” хабари бериш йўли билан, “Ижрочи”ни телефон орқали хабардор қилган ҳолда текширув ўтказди.
- 4.1.10. Ҳисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда кўриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.
- 4.1.11. Кўриқлашнинг тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:
- Объектда ўрнатилган объект ҳисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиққан техник воситаларни таъмирлаш учун;
 - Объектга ўрнатилган кўриқлашга тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;
 - Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукамал таъмирлаш учун;
 - ТҚПни модернизациялаштирилган кўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;
 - “Буюртмачи” айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор этмаган ҳолда кўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.8.моддаси талаблари бажарилмаганда) кўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов ҳисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.
- 4.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради.
- 4.1.13. Объектни мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.
- 4.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЕОС воситалари билан жиҳозланишини таъминлайди ва сақлайди.
- 4.1.15. Кўриқланаётган Объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.
- 4.1.16. Кўриқланадиган Объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.
- 4.1.17. Кўриқланадиган Объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнгин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.
- 4.1.18. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан қўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини қўяди. Витриналарга қўйилган қимматбаҳо

товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жиҳатдан масъул киши томонидан имзоланади ва “Буюртмачи” муҳри билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси “Буюртмачи”нинг моддий жиҳатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Ижрочига берилади.

4.1.19. Сақлаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корпусли соатлар полга маҳкамланган сейфларда сақланади. Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юкори бўлса, сақлашга йўл қўймайди.

4.1.20. Қўриқланадиган Объектга ўрнатилган ҚЕОС воситаларига Қўриқлаш бўлими ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

4.1.21. “Ижрочи” билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир марта Объектни техник мустаҳкамлиги, қўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЕОС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси қўйилган, “Буюртмачи” томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, “Ижрочи”га ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

4.1.22. Текширув далолатномаси юзасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, Объектни қўриқланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиш тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Ижрочига ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

4.1.23. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, қўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски қўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур Объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар қўйилиши, ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, “Буюртмачи” бу ҳақда “Ижрочи”га 15 кун аввал ёзма равишда билдиради.

4.1.24. “Ижрочи” томонидан ваколат берилмаган шахсларга, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник воситаларини техник қўриқдан ўтказиши ва таъмирлашга рухсат бермайди.

4.1.25. Объектни ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЕОТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тариқасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чақиради ва бу борада “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.26. Объект, ҚЕОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни қўриқлаш постига, шунингдек ТҚМ кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулфлари, деразаларни, форточкаларни ва люкларни ёпилиши, қўриқлаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, қўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнғинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг объект қўриқлашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

4.1.27. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида “Ижрочи”га хабар бериб, “Ижрочи” вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

4.1.28. “Ижрочи” томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликларни ҳисобидан олиб бориш учун Қўриқлаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиғи ҳисобланади, шунингдек, “Ижрочи”га барча ҳужжат ва маълумотлари тақдим этади.

4.2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

4.2.1. ТҚМ кўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

4.2.2. Объектда ҚЕОС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

4.2.3. Объектга ҚЕОС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, Объектнинг заиф жойларини ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

4.2.4. Объектни техник мустақамлиги далолатномасига асосан Объект ҳисобидан ҚЕОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пултга уланади, пулт маълумотномаларини тақдим этади.

4.2.5. Объектдаги ҚЕОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукамал таъмирлайди.

4.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЕОС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

4.2.7. Ўрнатилган тартибда объектни қўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳамда ўз вақтида қўриқлаш нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

4.2.8. Объект қўриқлашда бўлган вақтда объектга рухсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

4.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЕОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар беради.

4.2.10. Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, Объект очилиб қўриқдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Буюртмачига берилади.

4.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукамал таъмирланишини амалга оширади.

4.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда “Буюртмачи”ни хабардор қилади.

4.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) “Буюртмачи” 2 (икки) ойдан ошиқ қўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) “Ижрочи” томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тугатилганда);

в) “Буюртмачи”ни номи ўзгариб, “Ижрочи”ни бундан хабардор қилмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.5., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.16. бандлари бузилганда.

4.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТҚМ жойи ўзгарганда Объект қўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда “Буюртмачи”ни ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги :

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.1.2. Объектни қўриқлаш даврида:

мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.5., 4.1.6., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.12., 4.1.14., 4.1.15., 4.1.16., 4.1.19., 4.1.20., 4.1.23., 4.1.24., 4.1.25., 4.1.26., 4.1.27. бандларида кўрсатилган талаблар “Буюртмачи” томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.2 Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

5.2.3. Қуйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-зарарлар учун “Ижрочи” жавобгар ҳисобланмайди:

Пул маблағлар “Буюртмачи”нинг объектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки полга маҳкамланган металл шкаф (кути) ларда сақланмаган бўлса, ўғирланса ёки талончилик қилинса;

Фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;

Бино ёпилиши ёки кўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик ёки талончилик содир этилса;

Товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки талончилик қилинишида;

Бу бошқа мулкдорники бўлиб, у кўриқланаётган хонани ижарага олиб кўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

Агар “Буюртмачи” томонидан кўриқлаш сигнализацияси ёқилмагани сабаб бўлса, объектни кўриқлашга топширмаган ёки кўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра кўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

Шартноманинг 4.1.20. банди талаблари бузилса, жиҳозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик қилинса.

“Буюртмачи” томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 4.1.5., 4.1.6., 4.1.8., 4.1.16., 4.1.24., 4.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

8.3. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

8.4. Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибга назоратчилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь кунга қадар олиб берилади.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочиға Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

8.6. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

8.7. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета ҳисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8.8. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8.9. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

8.10. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш
бошқармаси
Юридик манзили: Фарғона шаҳар
Оқсув кўчаси 4-уй
Банк реквизитлари:
21596000900210137001
МФО-00026
СТИР: 200146674
ИФУТ: 80200
Марказий банк Фарғона шаҳар

“БУЮРТМАЧИ”

Олтиариқ тумани тиббиёт
бирлашма ички дорихонаси
Манзил: Олтиариқ тумани маркази
Банк реквизитлари:
Х/р: 23402000300100001010
МФО: 00014
ИНН: 200174744

1000228603020 31073101034002

Бошқарма бошлиғи




Б.И.Мирзакамалов

Рахбар



Ш.Ю.Бузруков



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармасига
Кўриқлаш учун топширилган Олтиарик тумани Марказий шифохонаси ички дорихонасининг

С М Е Т А Х И С О Б И

01.09.2021 - йил ҳолатига

№	Кўриқланаётган иншоот	Кўриқланадиган объект манзили	Кўриқлаш тури	Кўриқлаш соати			Бир ойлик кўриқлаш соати	Кўриқлаш учун тўланиши лозим бўлган сўмма		
				Иш куни	Дам олиш ва байрам олди кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соат учун	1 ой учун	Жами 1 ой учун
1	Ички дорихонаси	Туман маркази	ТҚП	8	8	8	243	6 256	1 520 208	1 520 208
				Шарғли белги учун						
Жами:									5 X 29 547	147 735
										1 667 943

(Бир миллион олти юз олтимиш етти минг тўққиз юз қирқ уч сўм)

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
 Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси
 бошлиғи

Б.И.Мирзакамолов

Кўриқлаш бошқармаси МИВ
 бошлиғи

Ф.Ишанкулов

« _____ » _____ 2021-й

Олтиарик тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

Бош хисобчиси

« _____ » _____ 2021-й

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARING QONUN

HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA

HUQUQIY XULOSA

№ CW57376812

1. Loyihaing turi: Shartnoma.

2. Loyihaing nomi:

Oltariq tumani Tibbiyot birlashmasi va Farg'ona viloyati Qo'riqlash boshqarmasi o'rasida ishlab chiqilgan 9-sonli xizmat ko'rsatish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Oltariq tumani Tibbiyot birlashmasi va Farg'ona viloyati Qo'riqlash boshqarmasi o'rasida ishlab chiqilgan va Oltariq tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 5-yanvar kuni kiritilgan.

Huquqiy xulosa: Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fugarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonun talablariga muvofiq va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

Oltariq tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



A. Parmonov

2022 yil 5-yanvar